

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 23-aprel, chorshanba
№ 31 (15773)

АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган тадрижий ислоҳотлар ҳалқимиз ҳаёт даражаси ва сифатининг ортиб боришида, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиши ва юртимизнинг ҳалқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият асослари янада мустаҳкамланмоқда. Ҳалқимиз манфаатларига мос бундай амалий ишларни рӯёбга чиқариша мамлакатимиз умумий юрисдикция судлари ҳам изчил фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан ЎзА мухбирининг сұхбати мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида бўлди.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи ҳаётда ўз ифодасини топмокда, — дейди Б.Мустафоев. — Энг муҳими, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган самарали тизим барпо этилди.

Бунда давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонуннинг қабул қилингани давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиша муҳим қадам бўлди. Зеро, ушбу қонунда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармокларининг мустақиллигини, ваколатлари мутаносиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлаш тизими самарали фаолият кўрсатишни таъминлашга оид муҳим янги меъёrlар белгиланган.

Қонун мамлакатимиз тараққиётининг муҳим мезони бўлган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» таъмилини амалга оширишни бундан бўён ҳам изчил давом этиришдек эзгу мақсадга йўналтирилган.

Конституцияга киритилган тузатишларнинг суд фаолиятига оид қисмiga тўхталаидиган бўлсак, бу авваламбор, фуқароларнинг давлат бошқаруви органлари билан муносабатида иқтисодий, ижтимоий ва бoshқa ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ишончли тарзда химоя этиши лозим бўлган фуқаролик, маъмурӣ суд ишларини юритишнинг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштиради. Янги таҳrirдаги «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни тасдиqlаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам маъкуллангани судьялик лавозимига номзодларни танлаш, тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизmlari тизимиhi янада мукаммаллаштиради. Барча даражалардаги судьяларнинг малака коллегиялари фаолиятини самарали ташкил этиш суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллIGINI таъминлашга хизмат қиласdi.

(Давоми 6-саҳифада)



Iste'dod

Рустам Назарматов олтган суратлар

СОҲИР РАНГЛАР ДУНЁСИ

Пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Бадиий академияси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигига анъанавий тасвирий санъат фестивали ташкил этилди. Унда ёш рассом ва ҳунармандлар, санъатшунос олимлар, талабалар иштирок этиди.

Тасвирий санъат фестивалининг асосий мақсади миллий санъатимизнинг бой мероси, бугунги салоҳиятини намойиш этиш, истиқолол йилларида етишиб келаётган

ижодкорларни кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш, уларни ҳар томонлама кўллаб-кувватлашдан иборат.

Фестиваль доирасида ўтказилган турли кўргазма-

лар, концертлар, таникли ижодкорлар иштирокида маҳорат дарслари, миллий либослар намойиши, учрашув ва давра сұхбатлари қатнашчиларнинг эътиборини тортди. Шунингдек, хорижлик мусаввир ва ҳайкалтарошларнинг шахсий кўргазмалари, соҳага оид янги китоблар, журналлар ва каталогларнинг тақдимоти ташкил этилди.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири

ҲАМКОРИКНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ

Жорий йилнинг 1 октябрида поитахтимизда Инҳа университетининг филиали ўз фаолиятини бошлайди. Мазкур халқаро таълим даргоҳига 150 нафар абитуриентни ўқишига қабул қилиш режалаштирилган.

«Тошкент шаҳрида Инҳа университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор шу йилнинг 24 марта Президентимиз томонидан қабул қилинган эди. Бу муҳим хужжат юртимиизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали, рақобатбардош кадрларни жаҳон стандартлари асосида тайёрлаш имконини беради.

Жанубий Кореяning Инҳа университети олтмиш йиллик тарихга эга. У Осиёдаги нуғузли университетлар юзтаглигига кирган. Университетда техника ва табиий фанларга доир йигирмата йўналиш бўйича таълим берилади. Тошкент шаҳридаги филиалда ҳозирча учта: компьютер инжиниринги, дастурний инжиниринги ва компютер тармоқлари инжиниринги йўналишларини очиш кўзда тутилмоқда. Абитуриентларга қўйила-

диган талаблар, имтиҳон ҳамда таълим жараёнлари хусусида Алоқа тарихи музейида ташкил этилган матбуот анжумани чоғида батафсил маълумот берилди.

Журналистларнинг саволларига Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмиштаси раиси ўринбосари Шерзод Шерматов ҳамда Инҳа университетининг қабул комиссияси декани, жаноб Жунг Хо Ким жавоб беришди.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида таълим тўрт йилга мўлжалланган. Ўқиши жараёнида талabalар Кореядаги йирик саноат корхоналарида малака ошириш имконига эга бўладилар.

Университетта ўн бир йиллик мактаб таълими ёки ақадемик лицей ва касб-хунар коллежларини тамомлаган ўқувчилар тўлов-шартнома



асосида (тўлов миқдори 4500-5500 АҚШ доллари атрофида) ўқишига қабул қилинади. Бунинг учун дастлаб махсус www.iut.uz веб-сайтида рўйхатдан ўтиш керак. Рўйхатга олиш 7 майдан бошланади. Шундан сўнг абитетириентлар ҳужжатларини 6 июндан 20 июнга қадар Турин потилехника университети қошидаги ақадемик лицейда фаолият кўрсатадиган қабул комиссиясига топширадилар.

Университетта кириш имтиҳонлари математика ва

физикадан ёзма, инглиз тилидан эса оғзаки шаклда ва фақат кореялик мутахассислар томонидан олинади. Дастлабки иккита фандан абитетириентлар инглиз тилида берилган масала ва топшириқларни 120 дақиқа мобайнида ечишлари керак. Ушбу босқичдан муваффақиятли ўтганлар сұхбатга киритилади. Натижалар 8 августда эълон қилинади.

Инҳа университетида дарслар инглиз тилида ўтилиши боис бўлғуси талabalар Хал-

қаро инглиз тили тест тизими — IELTS бўйича тилни 5 балл даражада билишлари шарт.

Имтиҳон натижаларига кўра юқори ўринлар билан ўқишига кирган камидан ўн нафар талабага Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг муассислари сирасига киравчи юртимииздаги қатор йирик компания ва корхоналар томонидан бир йиллик грантлар ажратиш кўзда тутилган.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

«КАМАЛАК» БИЛИМДОНЛАРИ САРАЛАНМОҚДА



СИРДАРЁ

Гулистон шаҳридаги «Маънавият ва маърифат маркази»да «Камалак» билимдонлари танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 110 нафар ёш — мактаблардаги «Камалак» болалар ташкилотлари сардорларидан иборат жами үн битта жамоа қатнашди.

Иштирокилар тўртта шарт бўйича беллашдилар. Дастрлабки — тақди-

мот шартида сардорлар ўз жамоаларини таништириши. Кейин саҳна кўринишларини намойиш этиб, савол-жавоб шартида билимларини синовдан ўtkазиши. Якуний шартда эса жамоалардан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни тақдим этиш ва ҳимоя қилиш талаб этилди.

Якуний натижаларга кўра, Гулистон туманинага 3-мактабнинг «Камалак» жамоаси танловнинг

финал босқичига йўлланмани кўлга киритди.

1-ўрин «Ниҳол» жамоаси (Боёвут тумани), 2-ўрин «Камолот» издошлиари жамоаси (Холос тумани), 3-ўрин «Камалак» юлдузлари жамоаси (Мирзаобод тумани)га насиб этди. Голибларга Харакатнинг Сирдарё вилояти кенгashi томонидан диплом ва эсдалик совфалари топширилди.

Элёр ЖЎРАЕВ

СУРХОНДАРЁ

Маннон Уйғур номидаги мусиқали драма театрида «Камалак» билимдонлари кўрик-танловининг Сурхондарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг худудий босқичида голиб бўлган жамоалар қатнашди.

— Бу галги «Камалак» билимдонлари ўтган йилдагидан фарқ қиласи, — дейди вилоят «Камалак» болалар ташкилоти раиси Умид Кулматов. — Негаки, жамоалар бирбиридан кучли, шартлар ҳам қизиқарли ўтмоқда. «Камалак»чилар бизни нотиқлиги, ташабbusлари, янги лойиҳа, гоялари билан лол қолдирмоқда. Тўғриси, уларнинг қобилиятига баҳо қўйишда иккilanасан, киши. Ахир, уларнинг бари юқори баҳоларга муносиб.

Жамоалар тўртта — танишириув, саҳна кўриниши, ижтимоий лойиҳа, эркин мавзу шартлари бўйича беллашдилар.

— Беллашувда биз шунчаки голиблик учун иштирок этмаяпмиз, — дейди Денов туманининг «Келажак эгалари» жамоаси аъзоси Диляфрўз Мусурмонова. — Ташкилот фаолиятини янада жонлантириш учун ташабbusлар билан чиқаяпмиз, шунингдек, янги дўстлар ортирияпмиз ҳам. Ишонаманки, бу дўстлик янада мустаҳкамланади, бизни «Камалак» учун фойдали ишлар қилишга ундейди.

Ва ниҳоят, «Камалак билимдонлари»нинг голиблари аниқланди. Биринчи ўрин Денов туманининг «Келажак эгалари» жамоасига насиб этди. Жарқурғон тумани «Камалак» болалари ва Термиз туманининг «Ватанпарвар» жамоалари иккинчи, учинчи ўринларни эгаллади.

«Келажак эгалари» жамоаси танловнинг республика босқичида энг сара жамоалар билан куч синашадиган бўлди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири

ЖИЗЗАХ

«Камалак» билимдонлари кўрик-танлови Жиззах вилоятида ҳам ўтказилди. Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма театрида танловнинг туман, шаҳар босқичларида голиб бўлган ўн учта жамоа ўзаро куч синашди.

Билим, қобилият, интилиш ва ташабbus кўригига айланган танлов якунида Янгибод туманининг «Камалак» издошлиари жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди.

— Бугунги билим, истеъодд ва ташабbusлар мусобақасига жамоалар кучли тайёргарлик билан келишган, — дейди вилоят «Камалак» болалар ташкилоти раиси Фахридин Қобилов. — Уларнинг изланишлари, ташкилот учун жон кўйдираётгани таҳсинга лойик. Ўйлаймизки, бу фидойилик «Камалак»чиларнинг доимий ҳамроҳига айланади.

Дилшод ЭРГАШЕВ

Zulfiya nomidagi Davlat muhofotasi sovordinorlari

«Шарқ маликалари» дея әътироф әтиладиган ўзбек аёллари бугун спортда ҳам малика. Чинордек тик қомат, ўткир нигоҳ ва қатъият соҳибаларини спортнинг исталган турида учратиш мумкин. Мамлакатимизда хотин-қизлар спортини ривожлантиришига қаратилаётган әътибор самараси, опа-сингилларимизнинг жаҳон чемпионатлари, нуфузли ҳалқаро мусобақаларда қўлга киритаётган галабалари орқали бор бўй-басти билан намоён бўлмоқда.

ШУ БОГЛАРНИНГ ЯНА БИР ГУЛИ



Бу йил Президентимиз қаригра кўра Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган Зария Қосимова ана шундай спорт усталаридан бири.

Зария Қосимова Зарафшон компютер технологиялари коллежи ўқувчиси. Болалигидан бўён таэквондо билан шуғулланаади.

Бирор натижага эришиш учун тинимсиз меҳнат қилиш керак. Спортда ҳам шундай. Сен машаққат чекмасанг, чемпион бўлиш у ёқда турсин, профессионал спортчи ҳам бўлолмайсан.

Зариянинг ҳам чинакам спортчи бўлиши осон кечмаган. Машғулотлар жараёнида баъзан енгил жароҳатлар ҳам бўлиб турган. Зариянинг қийналётганини кўриб, яқинлари унга спортни ташлашини маслаҳат беришгани ҳам ёдимда. Аммо кейинчалик улар ҳаммасини тўғри тушунишида ва Зариянинг спорт билан тўлақонли шуғулланишига имконият яратиб беришиди. Қолаверса, шогирдим ўйлаганимдан анча иродали ҳам экан. Машқларни такрор-такрор бажаришдан эринмасди. Муваффақиятларига айнан шу ҳаракатлари туфайли эришиди, — дейди устози Барно Фармонов.

Мен нимагаки эришган бўлсам, бунга, авваламбор, юртимизда ёшлар учун яратилган имкониятлар, устозларимнинг меҳнати, оиласиздаги муҳит, ота-онамнинг қўллаб-куватлашлари асос бўлган, — дейди Зул-

фия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зария Қосимова. — Интилишларим давлатимиз томонидан шундай юксак баҳоланганлиги олдимдаги мақсадлар сари янада дадил қадам ташлашга ундейди.

Қалбдаги қатъий мақсад кўзланган чўққига чиқишида энг мустаҳкам таянчидир. Зария ёниқ орзулар билан мусобақа гиламига тушади. Дастреб вилоят, республика, сўнгра қитъя миқёсида мусобақаларда муваффақиятларга эришиди. Галабалар спортчи қизда ўзига бўлган ишончни орттириди.


Таэквондо бўйича мамлакат чемпионатида кетма-кет олти маротаба зафар кучди. 2010 йилда қора белбоғ соҳибаси бўлган Зария шу кундан фаолиятида туб бурилиш ясади. Энди унга жаҳон дарвозалари очиляётган эди. У 2011 йилда Қозоғистонда ўтказилган ҳалқаро турнирда иккита олтин ва битта бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, Корея Республикасида ўтказилган ҳалқаро мусобақада шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Муваффақиятлар рўйхатини Мисрда ўтказилган жаҳон чемпионати, Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтказилган ҳалқаро турнир ҳамда Индонезиянинг Жакарта шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатидаги фаол иштироки билан давом эттириш мумкин. Шу ҳаракатлари туфайли 2013 йилда Зарияга «Спорт устаси» унвони берилди.

Зария Қосимова тарих, адабиёт, инглиз тили фанларини қунт билан ўзлашибди. Уни доимо вилоят фан олимпиадалари иштирокчилари қаторида кўриш мумкин.

Хаёт боғида гуллар кўп. Табиат уларни бирдек сүяди, бирдек алқайди. Күёш нурини баравар тақсимлайди, замину осмон ҳаммага тенг, сойлар ҳеч биридан зилол сувларини аямайди. Аммо боғдаги гуллар бирдек ифор таратмайди. Уларнинг энг сараларигина чирой очиб оламни беязиди, оламни хуш бўйларга тўлдиради.

Юртимиз бағрида гулдек вояга етадиган қизларнинг барчаси гулларнинг энг сараси, энг яхшиси бўлсин. Гулюзларимизнинг барини муваффақият чўққисида, ҳамиша баҳтиёр ҳолда курайлик. Зоро, бундай қизлари бор ҳалқнинг тақдирли шарафлидир!

Дилдора КАТТАЕВА



Harbiy vatanparvarlik

КУЧЛИЛАР ФОЛИБ БЎЛДИ

Кувасой шаҳрида

«Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Фарғона вилояти босқичи ўтказилди.

Мусобақада Олтиариқ тумани майший хизмат, Фурқат тумани ижтимоий-иқтисодиёт, Данғара тумани агросаноат, Бешарик тумани компьютер техноло-

гиялари, Ўзбекистон тумани қишлоқ ҳўжалик, Қуват тумани тиббиёт, Риштон тумани саноат, Фарғона тумани иқтисодиёт, Сўх тумани қишлоқ ҳўжалик, Кувасой шаҳар саноат, Кўқон шаҳар темир йўл транспорти касб-хунар коллежлари жамоалари иштирок этди ва 16 та шарт асосида беллашди.

Мусобақа якунига кўра, 1-уринни Кўқон шаҳар темир йўл транспорти касб-хунар коллежининг «Ёш чегарачилар» жамоаси, 2-уринни Кувасой шаҳар саноат касб-хунар колледжининг «Ёш чегарачилар» жамоаси, 3-уринни Фарғона тумани иқтисодиёт касб-хунар колледжининг «Соҳибқирон» жамоаси қўлга киритди.

Фолиб жамоа ва фаол иштирокчилар ҳамкор ташкилотларнинг диплом, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совфалари билан тақдирланди.

Собиржон МЕЛИБОЕВ

ҲАР ЗАРРА ТУПРОГИНГ АСРАЙМИЗ ЖОНДЕК!

«Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Наманган вилояти босқичи ҳаяжонларга бой ўтди. Сабаби унда қатнашган жамоаларнинг ҳар бири интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрганини исботлашга ҳаракат қилди.

— Мусобақадан катта тассурот билан қайтаяпмиз, — дейди Уйчи тумани Файрат педагогика коллежи ўқувчиси Шуҳрат Ботиржонов. — Ташкилотчилик, мусобақа шартлари, саволлар савияси — ҳаммаси юқори

даражада. Жамоалар ҳам кучли эди. Менга ёққани ҳар бир тенгдошим бор куч ва билимини ишга солди. Ҳаракатлари ёқкан, билимли ва чакқон кўлгина тенгдошларимиз билан яхшилаб танишиб олдик. Дўстлаш-

дик. Мусобақада Фолиб бўлганимиздан хурсандмиз.

«Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Наманган вилояти босқичи якунларига кўра, Уйчи тумани Файрат педагогика коллежининг «Бургут» жамоаси голиб бўлди. Иккинчи ўрин Поп қишлоқ ҳўжалиги коллежининг «Фидокор» жамоасига, учинчи ўрин Янгикурғон агросервис ва транспорт коллежининг «Шунқор» жамоасига насиб этди.

Дурдана ИСМОИЛОВА

ШАРАФЛИ БУРЧ ҲАВАСИ

Шундай касб ҳагалари борки, куну тун ишилайди, қаҳратон қишида ҳам, ёзинг жазира маисигида ҳам. Биз мириқиб ухлаётган чоғ улар хизматга шай турди, ҳавфсизлигимиз учун қайгуради. Тинч-осойишта кунларимиз учун, эмин-эркин юрганимиз учун, барча юрт посонлари, хусусан, чегарачиларга ҳар қанча раҳматлар айтсан, арзиди.

«Камолот» ЁИХ Қорақалпогистон Республикаси кенгаши бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргана Ватан ҳимоячиларининг издошлари, бўлажак чегарачиларнинг «Ёш чегарачилар» мусобақасини ўтказди. Унда туман босқичида Фолиб чиққан жамоалар қатнашди.

Улар таниширув, саволжавоб, Ватанимга хизмат қиламан ва эркин мавзу шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Топширикларни бажариш учнанлик қийин бўлмади, — дейди Тахтакўпир қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчиси Жумабек Азизбеков. — Роп-

па-роса иккиси соат давомида ўзимизни ҳақиқий чегарачилардек ҳис қилдик. Ватанини, унинг сарҳадларини кўриклиш ҳам машаққатли, ҳам фоятда шарафли иш эканини англадик.

Амударё тумани Қипчоқ майший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг «Ёш чегарачилар» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи, учинчи ўринлар эса Қўнғирот қишлоқ ҳўжалиги коллежининг «Қўнғирот», Тахиатош ижтимоий-иқтисодиёт ва педагогика коллежининг «Қалқон» жамоаларига насиб этди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИЛЛАШТИЗИМИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

— Концепцияга мувофиқ суд-хуқуқ тизимининг янада ислоҳ этилгани судлар фаолиятига қандай ўзгаришлар киритди? Конун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда уларнинг аҳамияти қандай бўлмоқда?

— Дарҳакиат, кейинги тўрт йилда мамлакатимиз суд тизимида замонавий демократик талаблар асосида амалий чоратадбирлар рўёбга чиқарилди. Бунинг натижасида соҳада ўзига хос янги босқич бошланди, десак муболага бўлмайди. Жумладан, жиноят ишини юритишида суд назоратини мустахкамлаш, ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва механизмларини такомиллаштириш мақсадида «Хабеас корпус» институти кўлланилиши кенгайтирилди. Жиноят-процессуал қонунчиликдан суднинг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши бўйича айблов хуносаларини эълон қилиш ваколатлари сокит қилинди. Судгача иш юритиш босқичида терлов устидан суд назорати куҷайтирилди. Шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатлари судларга берилди.

Президентимизнинг суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилашга оид фармонининг қабул килингани суд ҳокимияти нуфузини мустахкамлаш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратди. Бу меъёрларни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустахкамлаш мақсадида 2014 йил 20 январда «Ўзбекистон Республикасининг Айрим конун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Мехнат ва Солиқ кодексларига, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Судлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунларга ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

«Судлар тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгаришга кўра, эндиликда судья бўлётган шахс ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камиди беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади. Чунки бу тизимда етарли даржада ишлаш давомида ходим ўз билим ва малакасини ҳар жиҳатдан ошириш, суд-хуқуқ тизимида давлат сиёсатининг моҳиятини чукур англаш билан бирга ўзига хос ҳаётини тажрибага ҳам эга бўлади.

Суддиялик лавозимига биринчи марта тайинлашадиган номзодлар захирасида турган шахслар белгиланган тартибида ўзиши ва стажировка ўташи шарт. Бу тартиб-қоидалар со-

ҳага ҳар томонлама етук кадрларни, хусусан, муайян иш тажрибасига эга шахсларни жалб этиш орқали суд ишлари самарадорлигини ошириш, энг муҳими, инсон ҳаётини ва тақдиди билан боғлиқ масалаларни адолатли ҳал этишга замин яратди.

Конун асосида судьяларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини куҷайтириш билан боғлиқ масалаларга ҳам оидинлик киритилди. Жумладан, судьялик лавозимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган шахсларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин аввал эгаллаб турган иши (лавозими), бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаганда эса аввалгисига тенг бошка иш (лавозим) бериладиган бўлди. Бу уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаб, Баш Комиссиизда мустахкамланган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларининг амалий ифодаси ҳамдир.

Судьяларнинг ваколат муддати тугагандан сўнг уларнинг ўртacha ойлик иш ҳақи янги ваколат муддатига қайта сайлаш ёки қайta тайинлаш учун ҳужжатлари кўриб чиқиладиган даврда ёхуд янги иш жойига жойлаштирилганга қадар, кўпли билан уч ойгача сақлаб қолиди.

Мазкур ўзгаришлар ҳокимиятнинг алоҳида тармоғи бўлмиш суд ҳокимиятининг жамиятдаги обрўсини янада кўтаришга, судьялар ҳаётининг моддий-маший шароитларини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилимокда. Ўз навбатида, бу одил судловни сифатли асосда ошириш, фуқароларнинг конституциявий асосда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгро таъминлашга йўл очмоқда.

2013 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 173 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилди. Судлар томонидан кўрилган жиноят ишлари сони 2012 йилга нисбатан 1,5 фоизга камайди. Айрим жиноят турлари, ҳуқуқни, ўғирлик, гиёхвандлик воситалари билан қонунга хилоф равиша мумомала қилиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож килиш, қасдан баданга шикаст етказиш, талончилик каби жиноятлари учун судланганлик кўрсаткичлари камайди. Яратшув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 12 минг нафардан ортиқ, мазкур институт амалиётга жорий қилинганидан бўён эса 150 мингдан зиёд шахс жиноий жа-вобарликдан озод этилди.

— Президентимизнинг 2013 йил 4 октябрдаги «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?

— Таъкидлаш жоизки, сўнгги беш йил ичидаги факат фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилган ишлар, жисмоний ва юридик шахслар

нинг мурожаатлари уч-тўрт барабар кўпайди. Бу фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, судларга бўлган ишончи, иш кўламилинг ошиб бораётганидан далолатdir. Бу ишларни малакали ва сифатли кўриб чиқши янада яхшилаш, шу билан бирга, туман судлари тузилмасини, худудий жойлашви ва судьялар сонини кўпайтириш лозимлигини кўрсатди.

Президентимиз фармони фуқаролик ишлари бўйича туманларо, туман (شاҳар) судлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлди. Чунки шу асосда қўшимча равиша фуқаролик ишлари бўйича 12 туманларо (туман) суди тузилиб, судларнинг янгиланган тузилмаси (юрисдикция ҳудуди) тасдиқланди. 2014 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича Фориш, Бойсун, Нурабод, Амударё, Учкудуқ туманлари судлари, Пайариқ, Касби, Қўйи Чирчик, Юқори Чирчик, Пешку, Яккабоғ, Фаллаорол туманларо судлари фаолиятини босқичма-босқич йўлга кўйиш режалаштирилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида Жиззах вилоятининг Фориш, Самарқанд вилоятининг Пайариқ, Қашқадарё вилоятининг Касби, Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчик туманлараро судлари иш бошлади. Бу мазкур худудларда яшовчи аҳолига катта кулайлик яратди. Уларнинг юзлаб чақирим узоқлигда жойлашган судларга бориши, мурожаат этиши билан боғлиқ кўплаб муаммоларни бартараф этди.

Шуни ҳам айтиш керакки, фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Судлар ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилди. Мазкур тузилма судьялар мустақиллиги ҳамда уларнинг факат қонунга бўйсунши таомилига қатъий риоя этган ҳолда, судларнинг ижроси интизоми билан боғлиқ ишларини назорат қилимокда.

Бошқарма томонидан «Умумий юрисдикция судлари ташкилий фаолиятини текшириш бўйича йўриқнома», «Умумий юрисдикция судлари аппарати ходимларининг юриш-туриш қоидалари», «Умумий юрисдикция судлари биноларида фуқароларнинг юриш-туриш қоидалари», «Умумий юрисдикция судлари ташкил тайёрлаш амалиётни тўла шаклланди. Бунинг натижасида қўллаб янги қонунлар қабул килиниши билан бирга, айрим қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилишига марказ ўз хиссасини кўшиб келмокда.

Суд фаолияти соҳасидаги ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларини чукур ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликка татбиқ этиш, одил судловни амалга ошириш соҳасидаги ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлика суд-хуқуқ соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш, эксперталарни жалб қилган ҳолда конференциялар, семинарлар ва давра сұхбатлари ўтказиш, ҳалқаро-хуқуқий тадқиқотларни амалга ошириш ва хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибасини ўрганиш ишлари изчиллик билан давом этирилмокда. 2013 йилда бу йўналишда қирқяқ яқин ўрганиш олиб борилди.

Ривожланган мамлакатларнинг суд-хуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва амалиётини ўрганиш ва улар билан тажриба алмасиши мақсадида бевосита АҚШ, Буюк Брита-

ния, Германия, Франция, Польша, Сингапур, Гонконг ва Озарбайжон каби мамлакатлар билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

— Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш қандай самара бермокда?

— Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш аввал ишларни кўриб чиқиш муддатларини қискартиради. Бу фуқароларнинг вақти, маблағи тежалиши, ҳуқуқлари ўз вақтида тикланишига кенг йўл очмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда БМТ Таракқиёт дастури ҳамкорлигидаги «Фуқаролик судловни такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозир ушбу лойиҳа амалиётга татбиқ этилиб, шу асосда «E-Sud» электрон судлов миллий ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Мазкур ахборот тизими судларда электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш, тарафларга суд хабарномаларини ва ҳужжатларини ахборот-коммуникация технологиялари воситалари орқали жўнатиш, суд ҳужжатларини ишлаб чиқилган намуналар асосида тайёрлаш, суд мажлисларининг ягона тақвимини жорий этиш, суд ҳужжатлари сақланадиган ягона маълумотлар базаси ва суд ҳисботларини тузишни автоматлаштириш каби вазифаларни ўз ичига олади.

2013 йил ноябрь оидан бошлаб «E-Sud» ахборот тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида синовдан ўтказилмокда. Бугунги кунга келиб мазкур тизим орқали тўрт мингдан ортиқ суд буйруғи бериш ҳақидаги ариза келиб тушди. Улар судья ва суд ходимлари томонидан ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқилди.

Лойиҳа доирасида электрон судлов ахборот тизимида ҳужжатларини ташкилни таомиллаштиришга қаратилган тақлифлар тайёрлаш амалиётни тўла шаклланди. Бунинг натижасида қўллаб янги қонунлар қабул килиниши билан бирга, айрим қонун ҳужжатлари янада таомиллаштирилишига марказ ўз хиссасини кўшиб келмокда.

Суд фаолияти соҳасидаги ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларини чукур ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликка татбиқ этиш, одил судловни амалга ошириш соҳасидаги ҳалқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Келажакда суд жараёнларини аудио ва видео воситалари орқали ёзиб олиш, суд жараёнда масофадан иштирок этиш каби қўшимча тизимларни жорий этиш ҳам кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганди, амалга оширилётган изчил чора-тадбирлар умумий юрисдикция судлари фаолиятини янада таомиллаштириш, одил судловни сифатли амалга ошириш ва хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибасини ўрганиш ишлари изчиллик билан давом этирилмокда. 2013 йилда бу йўналишда қирқяқ яқин ўрганиш олиб борилди.

Ривожланган мамлакатларнинг суд-хуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва амалиётини ўрганиш ва улар билан тажриба алмасиши мақсадида бевосита АҚШ, Буюк Брита-

йа мухбари Норгул АБДУРАЙМОВА сұхбатлаши.

КОЛЛЕЖДА БИОЛАБОРАТОРИЯ

Бўка Агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида бўлганимизда педагогик жамоанинг илгор анъаналарга содик ҳолда меҳнат қилаётганлигига шоҳид бўлдик.

Албатта, бунинг учун коллежда узок йиллар давомида бой тажриба тўпланганини сезилади. 46 нафар юқори малакали ўқитувчи, 19 нафар ишлаб чиқариши таълими устаси, 1078 нафар ўқувчига сабоқ бераятти.

Жорий ўкув йилида коллежни 354 нафар ўкувчи битиради. Айни кунларда эса, улар ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини бошлаб юборишган. Битирувчи-ларнинг деярли барчаси корхона, ташкилот ва мусассасалар билан уч томонлама шартномалар тузишга эришган.

Коллеж ўқувчилари «Сиз қонунни биласиз-

ми?», «Президент асарлари билимдони», «Соғлом бола йилини мен қандай тушунаман» каби турли мусобақаларда тенгкурлари билан беллашиб, юқори натижаларни эгаллаб келишмоқда.

Коллежнинг агрономия йўналишида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ўкув-амалиётини сифатли ўтказиш мақсадида биолаборатория ташкил қилин-

моқда. Ушбу лабораториянинг ишга туширилиши билан туман фермерлари ва тадбиркорлари учун яхшигина қулайлик вужудга келади ҳамда энг асосий-

си, коллеж битирувчила-рининг бандлик даражаси ортади.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбiri



2014-yil –
Sog'lom
bola yili



Рустам Назарматов оғлан сурат

Qavnoq maydoncha

БОЛАЖОНЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 270-мактабгача таълим муассасаси болажонларнинг севимли масканларидан биридир. «Турнача» номли бу таълим муассасасида шўх ва қувноқ кичкитойлар тарбияланадилар. Бу ерга қадам қўйишининг билан ўзингизни ёртаклар оламига тушиб қолгандек ҳис қиласиз.

Эртамиз эгалари бўлган болажонларнинг ҳар томонлама соглом бўлиб улғайишлари учун бу ерда барча шароитлар муҳайё этилган. Ҳовлида севимли ёртак қаҳрамонлари сиймоси қад ростлаган бўлиб, кичкитойлар учун ёз мавсумида сув ҳавзаси, концерт зали ва мўъжазгина боғ ҳам барпо қилинган.

Болалар тарбияланадилар шароит билан танишиш мақсадида «Қалдириғоч» номли гуруҳга ташриф буюрдик. Болалар ёдлаган

шеърларини бийрон-бийрон айтиётган экан. Уч яшар Милана Бахиева «Нон ёпганда» шеърини ўқиб бериб, барчанинг олқишига сазовор бўлди. Унинг гуруҳдoshi Ислом Абдуллаев «Бувижоним» шеърини адашмай айтиб берди.

«Моҳир қўллар», «Рус тили», «Рақс» тўғаракларида болажонлар вақтларини мазмунли ўтказиши.

— Мактабгача таълим муассасаси измизда ҳам кўнглимизда болалар қалбидек соғлик ва ёруғлик ҳис этиб қайтдик.

томонлама камол топиши учун тарбиявий, услубий ишлар йўлга кўйилган, — дейди тарбиячилардан бири Мавлуда Тошмуҳаммадова. — Ҳар куни эрталабдан болаларнинг овқати, саломатлиги шифокорларимиз назоратида. Бундан ташқари, мактабгача ёшдаги болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланиши, уларни атроф-олам билан танишириш, миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида дарслар, ўйинлар, саҳна кўринишлари, байрамлар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Дарҳақиқат, ёш авлоднинг иқболи бугунги берилаётган тарбия ва таълим сифатига боғлиқ.

Мактабгача таълим муассасаси измизда ҳам кўнглимизда болалар қалбидек соғлик ва ёруғлик ҳис этиб қайтдик.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА



Ўзга сайёralар сари саёҳат

Бирлашган Араб Амирликларидағи «Аабар» инвестиция компанияси космик сайёҳ лойиҳасини йўлга қўйди.

Маълумотларга қараганда, космик сайёҳат нархи 250 минг АҚШ доллари баҳосида белгиланган. Бир неча соат давом этадиган сайёҳатда ўзи билан бирга олиниши тақиқланган буюмлар рўйхати ҳам эълон қилинди. Рўйхатда егуликлар, уяли телефон, тифли буюмлар, камера ва фотоаппаратни учратишимиз мумкин. Шунингдек, сайёҳнинг ҳам соғлиғи текширилади. Кемада ҳозирча иккита жой ажратилган бўлса-да, талаборлар кундан кунга ошмоқда.

Дўстлар янада яқин

«Facebook» ижтимоий тармоғи дўстларнинг қаердалигини билиш, уларни топиши имконини берувчи «Nearby Friends» (яқиндаги дўстлар) дастурини ишга туширишини эълон қилди.

Дастурнинг ҳозирча компьютер версияси чиқарилмаса-да, смартфонлар учун мўлжалланган тезда интернет дўконларда пайдо бўлади. «Apple iOS» ёки «Google Android» дастурига «Nearby Friends» ўрнатилганидан сўнг, яқин атрофдаги дўстлар ҳакида хабарлар кела бошлади. Бунда хабарлар жўнатилиш тартибини фойдаланувчининг ўзи танлаши ёки уни ўчириб қўйиши ҳам мумкин.

Давоси топилади

Бразилиялик эркакнинг боз миясида тош борлиги аниқланди.

Исмини ошкор этишини истамаган бемор кўриш қобилиятининг пасайиши ва боз оғриғидан шикоят қилиб шифохонага келган. Бемор текширилганда, боз миясида кулранг, зич нарса борлиги аниқланди. Шифохонага шу пайтга қадар ҳеч ким бундай шикоят билан келмагани боис, клиника ходимлари тайинли ташхис кўя олишмади. Мутахассислар унга маҳсус овқатланиш тартибини тузуб беришиди. Уларнинг айтишича, бу унинг яшаш сифатини кўтарар экан. Бемор боз миясини энди европалик олимлар текшириши мумкин.

Барчаси ўзгараради

Англияниң «Манчестер Юнайтед» футбол клуби боз мураббиии Дэвид Мойес мавсум якунига етмасдан, истеъфога чиқади.

Карорни клуб эгаси — Глэйзерлар оиласи қабул қилган. Ўн ой давомидаги қониқарсиз натижага сабаб, олти йиллик шартнома бекор қилинади. «Эвертон»га қарши Англия чемпионати 35-туридаги мағлубиятдан сўнг клуб эгаларининг сабр косаси тўлган. Клубни 41 ёшли футболчи Райан Гиггз вақтинчалик бозқариб туради.

Эндилиқда «Манчестер Юнайтед»га Юрген Клопп, Диего Симеоне, Лоран Блан ёки Луи ван Галлардан бири таклиф этилиши кутилмоқда.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**